

Аждодларимиз мероси - ҳаётий мактаб



14:47 / 12.02.2025 958

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий мероси замон ва макон танламайдиган, ҳар қандай миллат вакили учун юксак намуна бўла оладиган бой манбалардир. Бу буюк алломаларимизнинг мероси нафақат адабиёт тарихида, балки бутун инсоният тафаккури ривожидан беқиёс ўрин тутди.

Ҳар иккала аждодимизнинг шеърини, ижоди, фаолияти асрлар давомида авлодларга ўрнак ва андоза бўлиб келмоқда. Бугун ҳам Навоий ва Бобур шахсияти ва ижодини кенг ўрганиш, мағзини чақиш ва тарғиб этиш энг муҳим вазифалардандир.



Пойтахтимизда ЎзЛиДеП ва “Нуроний” жамғармаси ҳамкорлигида Алишер Навоий таваллудининг 584 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 542 йиллиги муносабати билан ташкил қилинган “Аждодларимиз мероси – ҳаётий мактаб” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда айти масалалар ҳақида сўз борди.



Тадбир давомида буюк бобокалонларимизнинг ҳаёти, ижоди ва адабий меросига тўхталиб ўтилди. Ҳар иккала аждодимизнинг бой ва ранг-баранг ижоди, асарлари инсоният тафаккури равнақида, маънавий жиҳатдан юксалишида алоҳида ўрин эгаллаши қайд этилди. Шунингдек, тадбир давомида Навоий ва Бобурнинг ғазал ҳамда рубоийларидан парчалар ўқилди.

Манба: uza.uz